2с **ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ** ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ БОШ КОТИБИ МАРТИН ЧУНГОНГНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ


INSON O'ZGARSA – JAMIYAT O'ZGARADI!

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

# milliy tiklanish

№ 21 (1123) 2021 йил 23 июнь, чоршанба

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mt.uz / gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru




## ЕРГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРАДИ 2с

## ГЕНДЕР СТРАТЕГИЯСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ 3с



## 4с ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ ҚЎЙЯПМИЗ

Президент Фармони узоқ кутилган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Зеро, аҳолига сифатли ва кафолатли коммунал хизмат кўрсатиш тизими ўз номига муносиб эмаслиги анчадан бери дилда бору, аммо тилга чиқмаётган муаммолардан бири эди.

# ҚАРОР ҚАТЪИЙ,

# КАФОЛАТ МУДДАТИ ЎЗГАРТИРИЛМАЙДИ



2с

**2**

### Оила кодекси бугунги кун талабига жавоб бермаяпти

Тошкент шаҳри мамлакатимизда оилавий ажримлар бўйича энг юқори кўрсаткични ташкил этмоқда. Энг ачинарлиси, судга никоҳдан ажратиш бўйича даъво ариза билан эркакларга нисбатан кўпроқ аёллар мурожаат қилмоқда.

**4**

### Муаммода ечим, ишда эса натижа муҳим

Яқин яқингача ҳам депутат деса мажлисларда фақат қўл кўтариб тасдиқловчилар кўз олдимизга келарди. Ҳатто аксарият сайловчилар бирон депутат билан кўришсалар «Нимани қойиллатдингиз?», дейишни одатга айлантириб олгандилар.



**6**

### «Бешариқ» ҳам, «Қуёшча» ҳам мавсумга тайёр эмас

«Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилояти Кенгаши фаоллари маҳаллий кенгашлардаги депутатлар билан 17 та оромгоҳ фаолиятини ўргандилар.



**7**

### Бу дунёнинг синови, имтиҳони мўл экан

## АХБОРОТ МАНИПУЛЯЦИЯСИГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР



5с




### ОЧИҚ МУЛОҚОТГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

25 июнь куни соат 10:00да Ёшлар куни муносабати билан «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Алишер Қодиров билан очиқ мулоқот бўлиб ўтади.

Ушбу тадбир партиянинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри намойиш этилади.

Энг яхши савол муаллифи рағбатлантирилади.

Саволларингизни қуйидаги телефон рақами ҳамда электрон манзиллар орқали йўллашингиз мумкин:

**Телефон**: 71 239-45-77

(телеграм) @AlisherQodirov_bot

(фейсбук) @yoshlarqanotiuz



## ТЕСТДАН ВОЗ КЕЧИЛАДИ(МИ?)

4-бет

## ТАРИХНИНГ ҲАР ҚАТИДА МИЛЛАТ РУҲИ БОР 5с

# БУЮРТМАЛАР

## БАЖОНИДИЛ БАЖАРИЛЯПТИ 3с

2021 йилнинг 23 июнь санасидан — 1 АҚШ доллари 10581.36. 1 ЕВРО 12574.89. 1 Россия рубли 144.58. 1 Англия фунт стерлинги 14678.46. 1 Япония иенаси 95.80.

ISSN 2010-7714

# Қарор қатъий, кафолат муддати ўзгартирилмайди





**Фарҳод ЗАЙНИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси**

Ушбу Фармонни узоқ кутилган Фармонлардан бири деб аташ мумкин. Зеро, аҳолига сифатли ва кафолатли коммунал хизмат кўрсатиш тизими ўз номига муносиб эмаслиги узоқ йиллардан буён дилда бору аммо тилга чиқмайдиган муаммолардан бири эди. Айни пайтда Президентимизнинг «Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори айнан ана шу муаммони таг-томири билан ҳал этишга қаратилгани билан ҳам кўплаб мутахассислар эътиборини тортмоқда.

Қарорга кўра, 2021 йил 1 октябрдан қурилиши тугалланган ва фойдаланишга топширилган кўп квартирали уй-жойларни бошқариш биринчи икки йилда қурувчи томонидан амалга оширилиши ҳамда мазкур муддатда кўп квартирали уй-жой эксплуатациясининг кафолат муддати жорий қилинадиган бўлди.

2022 йил 1 январдан бошлаб эса мулкдорларнинг бошқарувчи олдида қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, унинг миқдори уй-жойларга бўлган мулк ҳуқуқини расмийлаштиришда нотариал идоралар томонидан тегишли шартномада акс эттирилиши ва янги мулкдор ушбу қарздорлик ҳақида огоҳлантирилиши белгилаб қўйилди.

Бунда кўп квартирали уй-жойларда яшовчи «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мажбурий бадални тўлаб бериш учун субсидия ажратилиши ҳам кўзда тутилди.

Қарорга мувофиқ, энди кўп квартирали уй-жойга туташ ҳудудларда янги объектларни қуриш, мулкдорлар амал қилиши мажбурий бўлган кўп квартирали уй-жойларда умумий мол-мулкни бошқаришнинг талаб ва қоидаларини тасдиқлаш ҳамда уй-жой учун қарз ва кредитларни жалб қилиш уй-жой мулкдорлари ёки улар вакилларининг 80 фоизидан кўпроғи овоз берган тақдирда амалга оширилади.

2021 йил 1 августгача лойиҳа доирасида бириктирилган ҳудудлар, 2022 йилнинг 1 январига қадар эса бутун республикада кўп квартирали уй-жойга хизмат кўрсатиш жараёнига уй-жой мулкдорларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулки кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда биллинг тизими жорий қилинади.

2021 йил 1 октябргача кўп квартирали уй-жойларни бошқарувчиларнинг электрон реестри ҳам ишга тушириладиган бўлди. 2021 йил 1 июлдан кўп квартирали уй-жойларни бошқариш усули ширкатлардан бошқарувчи ташкилотларга ўтган уй-жойлар учун жалб этилган кредитларнинг муддатини, маҳаллий ҳокимликлар кафиллиги асосида уч йилгача узайтириш чоралари кўрилади.

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш партиямизнинг ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканини инобатга олиб, мазкур қарор уй-жойга муҳтож бўлган фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат бўлди, деб ҳисоблаймиз.



## Ўзбекистон Президенти Парламентлараро иттифоқнинг бош котибини қабул қилди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 июнь куни Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда глобал парламентлараро ҳамкорлик халқаро форумида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Парламентлараро иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонгни қабул қилди.**

Мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан шериклигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий-иқтисодий islоҳотларни илгари суриш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишларда конструктив мулоқотни давом эттириш ва яқин ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон иттифоқ ишидаги иштирокини 2017 йилда қайта тиклагани ва бугунги кунда унинг ижроия тузилмаларида тўлақонли қатнашаётганини таъкидлаш жоиз.

Бу йил Олий Мажлис томонидан Парламентлараро иттифоқ билан кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида ҳужжат қабул қилинди.

Ўз навбатида, Бош котиб Мартин Чунгонг мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантиришдаги сезиларли ютуқларни қайд этди ҳамда Ўзбекистоннинг бу борадаги глобал ташаббусларини юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

Илғор хорижий тажрибани кенг алмашиш ва кўп томонлама ҳамкорликнинг катта салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида қатор халқаро тадбирларни биргаликда тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА

Муносабат

# Ерга бўлган муносабат энди мутлақо ўзгаради

Ҳеч кимга сир эмаски, ер ресурсларини талон-торож қилиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ноқонуний сотиш ҳолатлари ҳанузгача давом этмоқда. Айниқса, бу ҳолат ноқишлоқ ва қишлоқ хўжалиги ерларини ажратишда яққол кўзга ташланади. Буни эса кейинги 2 йил давомида 120 минг гектардан зиёд ернинг талон-торож қилингани ёки ҳокимлар томонидан мақсадсиз бериб юборилгани, шунингдек, ерга оид қонунчилик бўйича 588 нафар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилганида ҳам кўриш мумкин.



Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ер масаласида тобора авж олаётган коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Бундан буён ерни хусусий секторга мулк ва ижара ҳуқуқи, давлат ташкилотларига эса доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тартиби жорий этилади. Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқлари билан ер ажратиш каби бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлмаган амалиётлари эса тугатилмоқда. Айниқса, ҳокимлар қарори билан нодавлат секторга ер ажратиш ҳамда ерларни тўғридан-тўғри текинга бериш амалиётлари ҳам бекор қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу фармон билан ерни халққа бериш, шу билан бирга соҳада қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ишлар жадаллаштирилиб, ерга бўлган муносабат мутлақо ўзгаради.

***Жуманазар* АТАЖОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси**

Таклиф




Анжуман

# Оила кодекси бугунги кун талабига жавоб бермаяпти

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида бўлиб ўтган "Оила қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари: назария ва амалиёт" мавзусидаги илмий-назарий конференцияда ана шундай фикр билдирилди.**



Очиқ мулоқот тарзида ўтган конференцияда таниқли ҳуқуқшунос олимлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти ходимлари, судьялар, профессор-ўқитувчилар, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳамда докторант тадқиқотчилар иштирок этди.

Унда мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила қонунчилигида келиб чиқаётган муаммоларни амалиётда бирхиллаштириш, Оила ва Фуқаролик кодексларидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидланганидек, Оила кодекси қабул қилинганига 20 йилдан кўп вақт ўтди. Бу давр мобайнида бир неча бор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса-да, лекин бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермай қолганлиги муҳокама марказида бўлди.

Ўзбекистонда оилани ривожлантириш билан боғлиқ масалалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари ҳамда "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да белгилаб берилган вазифалар доирасида амалга оширилмоқда.

Конференцияда оила қонунчилиги, хусусан, Оила кодексини такомиллаштириш, оила институти ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш, оиланинг маънавий-ахлоқий муҳитини янада яхшилаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, оила институтини янада мустаҳкамлаш бўйича давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

"Оилани қўллаб-қувватлаш тўғрисида" қонун қабул қилиш зарурати пайдо бўлганлиги, бу қонун оила қонунчилигига оид ягона ҳуқуқий ҳужжат бўлиши, оилага оид ишларни кўришда амалиётни бирхиллаштириш кераклиги айтиб ўтилди.

Оила институтини такомиллаштириш, ўз навбатида, мамлакатимизда оилалар барқарорлигини таъминлаш, ажралишлар сонини камайтириш ҳамда оилаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш каби ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий вазифаларни белгилашга ёрдам беради.

– Мамлакатимизда оила ва оилавий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг деярли барчаси қабул қилинган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби мустақил тадқиқотчиси Хуршида Қурбонова. – Аммо ҳозирги кунда баъзи бир оилавий низолар, уй-жой масаласида келиб чиқадиган муаммолар амалдаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо қилмоқда. Бугунги конференция ана шундай муаммоларни очиб бериш ва уларга ечим топишга қаратилган.

Бундан кўзланган асосий мақсад – қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда қонунларга ўзгартириш киритиб, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишдан иборат. Тошкент шаҳри мамлакатимиз бўйича оилавий ажримлар бўйича энг юқори кўрсаткични ташкил этмоқда. Энг ачинарлиси, судга никоҳдан ажратиш бўйича даъво ариза билан эркакларга нисбатан кўпроқ хотинлар мурожаат қилмоқда. Шу боис оила, эр-хотин муносабатлари, улар ўртасида юзага келаётган муаммоларни чуқур ўрганиш зарур.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган конференцияда янги таҳрирдаги Оила кодексини ишлаб чиқилиши лозимлиги ва у жамиятнинг тезкор ривожланувчи эҳтиёж ҳамда талабларига жавоб бера оладиган, аёлларнинг мулкий ҳуқуқлари бузилиши ва оилавий зўравонликка барҳам беришга қаратилмоғи шартлиги таъкидланди.

**Шаҳноза МАМАТУРОПОВА, ЎзА**

# БУЮРТМАЛАР

## БАЖОНИДИЛ БАЖАРИЛЯПТИ





**Айни пайтда тарихни бузиб талқин қилиш, тескари кўрсатиш, ундан ўз қарашлари йўлида соябон сифатида фойдаланишга уринишлар, афсуски, оддий ҳолга айланиб боряпти. Бу ҳар қанча аччиқ бўлмасин, бугунги глобаллашув даврининг ҳақиқатидир. Буни тарих саҳнида рўй берган воқеотларни ўз манфаатига бўйсундиришга уринаётган айрим фуқаролар, ҳатто давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Гап шундаки, кейинги пайтларда Ўзбекистон «Миллий тикланиш" демократик партияси етакчиси Алишер Қодировнинг фикр-мулоҳазаларига нисбатан ҳам ана шундай ёндашувлар «ихтиро» қилиняпти.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки партия лидери ижтимоий тармоқларда «кўзингни оч, чегарадан чиқяпсан», дея ҳар қанча огоҳлантирилмасин, ҳали ўзбек тили, ҳали собиқ иттифоқнинг қип-қизил байроғи ва бошқа «нозик» мавзуларни кўтариб чиқишдан қайтмаяпти. Бошқача айтганда, миллатимиз, халқимиз шаънига соя солувчиларга нисбатан қатъий позицияси ва партия нуқтаи назарини билдиряпти. Унинг бундай хатти-ҳаракатлари маҳаллий Зюгановчилар қолиб, энди баъзи бир россиялик «буюк политолог"ларни ҳам безовта қила бошлаган кўринади.

Россиялик таниқли ҳуқуқшунос-блогер Руслан Осташконинг Алишер Қодировнинг собиқ СССР байроғи ҳамда иттифоқ даврида Ўзбекистонда содир этилган сиёсий хатоликлар ҳақидаги мулоҳазаларига нисбатан билдирган фикрлари ҳам шундан далолат бермоқда.

> ... тилимизни ривожлантириш, унинг обрў эътиборини кўтариш, кимки шу юртда яшаса, давлат тилини билиши карак десак ижтимоий тармоққа «жон» киряпти. Ўзбекистонда СССР байроғини кўтарма, бу шу юртга, халққа беҳурматлик саналади, десак миллатчига чиқаришяпти.

Ҳа, чиндан ҳам «Миллий тикланиш» етакчиси собиқ иттифоқ ҳудудида минг-минглаб беайб фуқаролар азият чекканини, қанчалари қурбон бўлганини очиқ айтмоқда.

Алишер Қодиров Тошкент шаҳри марказида уюштирилган концертда собиқ СССР байроғининг баланд кўтарилганини ҳам ўзбек халқига, унинг яқин ўтмишига бўлган ҳурматсизлик деб атади.

Руслан Осташко шунингдек, Алишер Қодировнинг Николай I ва унинг оила аъзолари собиқ иттифоқнинг қонга ботган қиличи билан қатл этилганини гапирганига ҳам эътибор қаратиб, спикер ўринбосарининг Николай I билан Николай IIни адаштириб қўйганидан истеҳзо билан кулибди.

Аммо шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон тарихида оддий одамлар «Николайнинг замбараги» ҳақидаги қўшиқлар янграган пайтларда ҳам, бугун ҳам Николай подшонинг нечанчи рақам билан қайд этилганига эмас, балки унинг сиёсатига кўпроқ эътибор қаратганлар. Инчунун, Николай I ми, Николай II ми, хуллас Романовлар сулоласининг бешикдаги гўдагигача қириб ташлаган ҳам большевиклар эмасмиди?

Россияда анчайин танилган блогер Руслан Осташко эса ўз чиқишида негадир бу саволни четлаб ўтибди. Аммо Қодировнинг СССР бўлмаганида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бутунлай бошқача кечиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларига кескин эътироз билдириб, бир нечта суратларни томошабинлар ҳукмига ҳавола этади.

Ҳа, чиндан ҳам Руслан тақдим этган расмларда Ўзбекистон ҳаётининг таланган, таҳқирланган, ишончи топталган даври, заҳматкаш халқ вакилларининг эса аянчли турмуши акс этган.

Аммо Р.Осташко тилга олмаган (балки атайлабдан) бошқа бир ҳақиқат ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Яъни, Октябрь инқилоби баҳонасида ўтган аср бошларида ўзбек халқининг ўнлаб эмас, юзлаб вагонларда ташиб кетилган олтинлари, дуру жавоҳирлар ва бошқа бойликларининг ақалли бир қисми асл эгаларига қайтарилганида эди, аҳвол бу даражада ачинарли бўлмасмиди... Аммо чек-чегарасиз бойликларимизни талаганлар бу билан чегараланмай, юртимизнинг асл ўғлонларини ҳам ваҳшийларча қирдилар, орзу-умидларидан, ватанидан жудо қилдилар.

Тарихий ҳақиқат шуки, большевикларнинг турли миллат ва элатларидан юлиб олган бойликлари ўзларига ҳам буюрмади. Агар Руслан ушбу фикрга қўшилмаса, Игор Буничнинг «Партиянинг олтинлари» китобини бир варақлаб, ўша пайтда халқ ҳаёти, ночор турмуши акс этган суратларга назар ташлаб қўйса фойдадан холи бўлмасди.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, бугун собиқ иттифоқ даврида нафақат Ўзбекистон, балки яна 14 та республика, ҳатто Россиянинг чинакам ватанпарвар фарзандлари тақдири ҳам қора кунларга ботирилганини холис экспертлар ҳам надомат билан эътироф этмоқдалар. Шунинг учун ҳам Алишер Қодиров узоқ йиллар давомида халқимизнинг қонини зулукдек сўрган совет тузуми бор-будимизни шилиб олмаганида, Ўзбекистоннинг иқтисодиёти ривожланиб кетган ва олдимизга қўйган мақсадларимизга аллақачон етган бўлардик, деб бежиз айтмади. Буни англаб етиш учун даҳо бўлиш шарт эмас.

Украинанинг Донецкида туғилган, 1996 йилдан бери Москвада яшаётган Руслан Осташко эса гарчи ҳуқуқшунос бўлса-да, негадир оддий масалаларга ҳам жуда «узоқ»дан ёндошибди. Шу ўринда, Русланнинг айрим манбаларда бир қатор фирмалари, айниқса, «ОСТ Медиа» ва «Политроша» компаниялари орқали ижтимоий тармоқда буюртма «асар»лар уюштириш билан шуғулланишига урғу берилишини таъкидлаш жоиз.

Кўриниб турибдики, россиялик ҳамкасбимиз томонидан Алишер Қодировнинг «тафтиш» қилиниши тасодифга ўхшамайди. Аммо бир нарса аниқ: тилимизни ривожлантириш, унинг обрў эътиборини кўтариш, кимки шу юртда яшаса, давлат тилини билиши карак, десак ижтимоий тармоққа «жон» киряпти. Ўзбекистонда СССР байроғини кўтарма, бу шу юртга, халққа беҳурматлик саналади, десак миллатчига чиқаришяпти.

Қаршиликларга учраётганимиз эса танлаган йўлимиз тўғри эканидан далолатдир. Энг муҳими, ана шу қаршиликлар бизга яқин ўтмишимизда йўл қўйилган хатоларни тузатиш имконини беряпти.

**Умид АРСЛОНБЕКОВ**

---

✔ Мерос

## Ўзбекистондан ноқонуний равишда олиб чиқилган ноёб маданий бойликлар қайтарилмоқда

**Россиядан қайтарилаётган буюмлар орасида тахминан 1644-1880 йиллар даврида яратилган 9 дона араб, форс ва туркий тилларда ёзилган диний матнлар ва шеърий асарлар, 16 дона сопол буюмлар бор. Сопол буюмларнинг 3 таси ўрта асрлар ва янги даврдаги (XV-XVII асрлар) Самарқанд кулолчилик мактабига мансуб.**



Бугун Москва шаҳрида Ўзбекистон ва Россия Ҳукуматлари раҳбарлари даражасидаги қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш якунлари юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 10 дан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизматининг ЎзАга маълум қилишича, Москвада Федерал божхона хизмати ҳудудида аввал Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Россияга ноқонуний олиб чиқиб кетилган ноёб маданий бойликларни Давлат божхона қўмитаси вакилларига топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда, ДБҚ Халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи ўринбосари О.Мамажонов ва Федерал божхона хизмати Божхона ҳамкорлиги бошқармасининг Яқин хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик бўлими бошлиғи А.Попов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси учун маданий аҳамиятга эга бўлган 29 та қўлёзмалар ва 16 та сопол буюмлар 2016 йилда қонунбузар томонидан юртимиздан яширинча олиб чиқиб кетилган.

Россия Федерал божхона хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган қўшма тадбирлар натижасига кўра аниқланган буюмлардан 9 дона қўлёзма ва китоблар араб, форс ва туркий тилларда ёзилган диний матнлар ва шеърий асарлар бўлиб, тахминан 1644-1880 йиллар даврида яратилганлиги, 16 дона сопол буюмлардан 3 таси эса ўрта асрлар ва янги даврдаги (XV-XVII асрлар) Самарқанд кулолчилик мактабига мансублиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бадиий экспертиза бошқармасининг хулосасига кўра, "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни талабларига мувофиқ ушбу буюмлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши мумкин бўлмаган маданий бойликлар тоифасига тегишли эканлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, маданий бойликларни қайтариш тадбири Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 1994 йил 15 апрелда имзоланган "Ноқонуний равишда олиб чиқилган ва олиб кирилган маданий бойликларни аниқлаш ва қайтариш бўйича божхона хизматларининг ҳамкорлиги тўғрисида"ги Битим талаблари доирасида амалга оширилди.

**ЎзА**

---

✔ Очиқ мулоқот





## Гендер стратегиясини қўллаб-қувватлаймиз

**Тошкентда «Миллий тикланиш» демократик партияси ташаббуси билан «Гендер тенгликка эришиш стратегияси – барқарор ривожланиш омили» мавзусида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда гендер тенгликка эришиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда партия олдида турган устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.**

Мулоқот давомида «Гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга оширишга қаратилган давлат сиёсатининг мақсади ва истиқболлари», «Гендер тенгликка эришишда парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш», «Оилавий ҳуқуқий муносабатларда гендер тенглиги» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова мамлакатимизда илк бор қабул қилинган «2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендир тенгликка эришиш стратегияси»нинг асосий мақсадлари ҳақида сўз юритиб, унинг мазмун-моҳиятини миллий ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиққан ҳолда тарғиб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Мулоқотда партия вакиллари 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегиясининг ижросини таъминлашда сиёсий партиялар фаолияти билан бевосита боғлиқ бандларнинг ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, жамиятда гендер таълимини ривожлантириш, илмий тадқиқотларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда фаол иштирок этиш зарурлигига эътибор қаратдилар. Шунингдек, соҳага доир қонунлар устидан депутатлик, парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозимлиги таъкидланди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, партиянинг Гендер стратегияси ижросини таъминлашга қаратилган «Йўл харитаси» муҳокама этилди, уни тасдиқлаш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Мухлиса ЭРГАШЕВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши бош мутахассиси**

# TESTдан ВОЗ КЕЧИЛАДИми?

**Ўзбекистонда олий таълимга кириш имтиҳонлари бекор қилиниши ҳақида хабар тарқалгач, Давлат тест маркази вакили Фарҳод Мирзаев қабул қилиш тизимини ўзгартириш тўғрисидаги қарор чиндан ҳам тегишли ташкилотга кўриб чиқиш учун юборилганини билдирди. Мутахассисларнинг фикрича, агар қарор маъқулланса, мамлакатимизда тестдан воз кечилиб, ўқувчилар мактабларда топширилган имтиҳон натижаларига кўра, олий ўқув юртларига қабул қилина бошлайди. Дастлаб ушбу тажриба учун тўртта ҳудуд танлаб олинади, кейинроқ эса бу тартиб барча олий таълим муассасаларида жорий қилинади.**
**Хўш, бу ҳақида жамоатчилик қандай фикрда? Олий таълимга қабул қилишнинг ушбу шакли ўзини оқлайдими?**

**Дилдора АЗИМОВА, Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси, фалсафа доктори (PhD):**

Тест шаффофликни таъминлайди. Чунки тестлар кузатув камералари ва бошқа назорат воситалари асосида тайёрланган махсус аудиторияларда бўлиб ўтади. Шу боис, коррупция ҳолатлари кам учраши мумкин. Тўғри, бундан аввалроқ кириш имтиҳонларида қандай "ўйинлар" бўлганини яхши биламиз. Аммо олий таълимга қамраб олишнинг бу шаклида ҳам мактабларда коррупция ҳолатлари юз беришига олиб келади, деб ўйлайман.

Шунинг учун ҳам тест синовлари аниқ фанларда қолдирилиши керак. Гуманитар йўналишларда эса тест ўзини оқламайди. Масалан, филология, журналистика йўналишларида тестдан яхши балл тўплашига қарамай, айрим талабалар икки қатор жумлани тўғри ёзиб бера олишмайди. Яъни, тест орқали абитуриентларнинг ижодкорлигини аниқлаш имконсиз. Ўқувчи тестга тайёрланиб, қуруқ маълумотларни ўзлаштириб, фикрламай, тафаккур қилмай қўяди. Шунинг учун мен олий таълимга кириш имтиҳонларида гуманитар ва ижодий соҳаларда тестни олиб ташланишини қўллаб-қувватлайман. Унинг ўрнига ёзма ва оғзаки имтиҳон шаклига ўтиш мақсадга мувофиқ.

**Отабек ТИЛЛАЕВ, Истанбул университети докторанти:**

Олий таълимга ўқишга киришда тест имтиҳонларининг бекор қилинишини эшитиб, рости, хурсанд бўлдим. Бунда энг аввало, мактаб ўқитувчиларининг қадрсизланган обрўси яна тикланади. Ўқувчиларнинг дарсга, билим олишга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгаради. Ота-она – ўқувчи – мактаб маъмурияти ўртасидаги учлик муносабатлари мустаҳкамланади. Энг асосийси, ана шу учлик зиммасидаги масъулият ҳисси ортади. Дарслар сифати яхшиланиши туфайли ўқувчи ҳақиқий билимни тайёрлов курсларида эмас, мактабда олиш имконига эга бўлади. Шунга қарамай, бўлажак талабаларнинг мактабларда сараланиши баҳоланиш тизимида порахўрликни урчишига ҳам олиб келиши мумкин. Яна бир салбий томони – аксарият ўқувчиларда фақат баҳо учунгина ўқиш кўникмаси пайдо бўлади. Шу боис, университетга қабул қилишнинг шаффоф йўлини топиш керак. Шундагина бу тартиб ижобий самара беради.

**Нигора ТАДЖИБОЕВА, Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги 293-умумтаълим мактаби директори, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:**

Бунга жуда катта маблағ сарфланишини ҳисобга олмаганда, жуда муҳим янгилик. Психологик жиҳатдан ҳам мактабларда олий таълимга кириш учун имтиҳон топширилса, болаларимиз ўзларини эркин ҳис қила бошлайдилар. Яна бир жиҳати, абитуриентлар йўл ташвишидан ҳам қутилишади.

**Наргиза ШОДМОНОВА, журналист:**

Ҳар бир ўқувчи талаба бўлишни, олий маълумотли мутахассисга айланишни хоҳлайди. Аммо олий таълимга кириш имтиҳонлари манаман деган билимдонни ҳам йиқитиб қўяётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам кириш имтиҳонларининг бир-биридан мужмал саволларига жавоб топиш учун ўқувчилар йиллар давомида репititорларга қатнашга мажбур бўляпти.

Олий таълимга кириш имтиҳонларининг бекор бўлиб, ўқувчиларнинг мактабдаги баҳолари асосида ўқишга киришларини ёқлашимнинг сабабларидан бири ҳам шу. Бу билан мактаб мақоми, мактабнинг, устозларнинг ўрни ҳам ортади. Улар мактабга, дарсларга жиддий ёндашишга, мактабда олган баҳолари шунчаки ҳавога учмаслигига, келажак ҳаёт йўлларини белгилаб беришда муҳим мезон бўлиб хизмат қилишига ишонадиган бўлишади.



**Носир РЎЗИЕВ, Жанубий Кореянинг Чунгчеон университети 1-босқич магистранти:**

Энг аввало, умумий ўрта таълимда ўқитишнинг шаффоф тизимини йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман. Акс ҳолда, бу жараён худди коллежлар каби ўзини оқламайди. Тўғри, бу жараённинг яхши томонлари бор, яъни, абитуриентнинг репетиторга пул сарфлаб, қўшимча дарс олишига ҳожат қолмайди, маблағи ҳам тежалади. Ўқувчининг вақти йўқолмайди. Аммо Ўзбекистон шароитида бу лойиҳани шошма-шошарлик билан амалга ошириб бўлмайди. Сабаби, республикадаги ҳамма мактабларда дарслар инновацион усулда олиб борилмайди, техника ва ўқитувчиларнинг малакаси ҳам етарли эмас.

Масалан, Жанубий Кореяда дарс жараёни, уйга вазифалар ёки мустақил иш топшириқлари ягона порталга жойлаб борилади. Бунда ҳар бир баҳо қайси мезонларга асосланиб берилганлигини ўқувчи аниқ кўриши мумкин. Ўзбекистондаги мактабларда бундай шароит яратилмаган. Бу эса таъмагирлик ҳолатларини авж олдириши мумкин.

Агар тестдан воз кечилиб, ўқувчилар мактабда олган баҳосига кўра, университетга қабул қилинса, етарли балл тўплай олмаган ўқувчининг кейинги тақдири нима бўлади, деган савол ҳам туғилади. Тестда эса, ўқувчи бу йил йиқилса, кейинги йилларда ўқишга кириши имкони бор. Масаланинг бу томонларини ҳам инобатга олиш керак.

Шунингдек, ўқувчиларни синовга тайёрлаш учун мактаб дастурларини қайта режалаштириш, дарс вақтларини ўзгартириш, дарс ўрнига тест синовларига тайёрлаши, кечки вақт ёки дам олиш кунлари шахсий дарсларни таклиф қилиш мумкин. Яъни, таълимнинг мақсади ўқувчиларни кейинги босқичга ва ҳаётга тайёрлашга эмас, балки уларни синовга тайёрлашга қаратилади.

Менга қолса, ёзма имтиҳон учун иншо ёзишни йўлга қўйиш керак. Қайси йўналиш бўлишидан қатъи назар, бола ўз она тилида иншо ёзсин. Ҳатто бошқа тилда таҳсил олувчи талабалар ҳам давлат тилида ёзсин. Масалан, Жанубий Кореяда чет элликлар университетга кириши учун корейс тилини билиши талаб этилади.

**Соҳиба СОЛИЕВА тайёрлади.**



## Янги босқичга қадам қўйяпмиз

«Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони ер ажратишда очиқ-ошкора тизим яратиш йўлидаги муҳим ҳужжат бўлди.
Маълумки, амалдаги тартибларга кўра, шу пайтгача ерлар текинга берилар, бу эса одамлар орасида «ернинг «яширин» нархи бор, ҳар бир ҳудудда 1 сотих ер қанча туришини ҳаммамиз биламиз», деган фикрларни пайдо қилар эди.
Бу эса ўз-ўзидан коррупция ҳолатларини келтириб чиқарарди.
Соҳа мутахассислари, фермерларнинг қайд этишича, Президент Фармони ўз кўлами ва аҳамиятига кўра, 2017 йилнинг сентябрида амалга оширилган валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича фармонга тенгдир.
Фармонда одамларга эгалик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган, бино-иншоотлар ва турар жойлар остидаги ерларни хусусийлаштириш ҳам назарда тутилган.
Тўғри, 2019 йилда ҳам «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Аммо айнан янги Фармон ушбу қонун асосида одамларга ўзлари эгаллаб турган ерларни мулк қилиб бериш жараёнини тезлаштиради. Хусусий мулкни жорий этиш ернинг дахлсизлигини таъминлайди, унинг иқтисодий қийматини оширади, одамларнинг қўлидаги ер ҳақиқий капиталга айланади.
Фармонда белгиланган тартиб таомиллар асосида ер муносабатларида самарали бошқарув йўлга қўйилади. Бу эса фуқаро, жамият ва давлат эҳтиёжлари учун зарур бўлган ерларни ажратишнинг шаффоф механизмини яратишга хизмат қилади.

**Аъзамжон ТЎЛАБОЕВ, Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати**

## Жаноб, ниқобингиз йўқми?..

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хабар беришича, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Транспорт вазирлиги ва бошқа қатор манфаатдор ташкилотлар таклифига биноан республика махсус комиссияси қарорига кўра, йўналишли автобус ҳайдовчилари (кондукторлари) ва метро кузатувчилари ниқобсиз бўлган шахсларни транспорт воситалари салонига чиқармаслик (киритмаслик) чораларини кўриши белгиланди.

Шунингдек, мунтазам равишда микрофон орқали шахсларни масъулиятини ошириш бўйича тушунтириш ишларини олиб борилиши, жамоат транспортларининг охирги бекатида дезинфекция-тозалаш ишларини амалга оширилиши зарурлиги кўзда тутилмоқда.

Темир йўл вокзаллари ва аэропортларда эса санитария-эпидемилогия талабларига амал қилинишини қатъий назоратга олинишини, шу жумладан, дезинфекция ва тозалаш тадбирларини мунтазам равишда йўлга қўйилиши таъминланадиган бўлди.

ЎзА

Ҳудудий кенгашларда

# Муаммода ечим, ишда эса натижа муҳим



Яқин яқингача ҳам депутат деса мажлисларда фақат қўл кўтариб тасдиқловчилар кўз олдимизга келарди. Ҳатто аксарият сайловчилар бирон депутат билан кўришсалар «Нимани қойиллатдингиз», дейишни одатга айлантириб олгандилар. Аммо кейинги йилларда депутатга бўлган муносабат ўзгара бошлади, дейиш мумкин, яъни халқ вакилларининг амалий ишлари натижасида депутатга бўлган ишонч пайдо бўла бошлади. Буни депутатларга бўлаётган мурожаатлар сонидан ҳам билиш мумкин.
Жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашидаги депутатларимизга жами 451 та мурожаат келиб тушибди. Депутатлар томонидан ташкил қилинган «Сайёр қабул»ларда ҳам йўлларнинг носозлиги, сув, газ, электр энергияси таъминотидаги муаммолар, ер ажратиш, банк кредити, ишга жойлаштиришгача бўлган масалалар кўтариляпти.
Ўтган йили халқ депутатлари Қўшкўпир тумани Кенгаши депутати Меҳрибон Тиллаевага Кўназей қишлоғи аҳолисидан бир мурожаат келиб тушган эди. Унда қишлоқ йўлларининг таъмирга муҳтожлиги айтилганди. Депутат Меҳрибон Тиллаева Қўшкўпир тумани ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари ва туман йўл пудрат таъмирлаш корхонасига депутатлик сўрови юбориб, 2021 йил «Обод қишлоқ» давлат Дастури доирасида маҳалланинг 800 метр ички кўчаларини ва катта автомабиль йўлининг 400 метрини асфальт қилинишига эришганди. Шунинг баробарида, қишлоқнинг газ, сув, электр таъминоти ва интернет билан боғлиқ муаммоларига ҳам ечим топган эди.
Тупроққалъа туманидаги Охунбобоев маҳалласида яшовчи Феруза Искандарова ҳам халқ депутатлари Тупроққалъа тумани Кенгаши депутати Гавҳаржон Яқубовага мурожаат қилиб, иш топишда ёрдам сўраганди. Депутатнинг аралашуви билан Феруза доимий ишли бўлди ва «Ёшлар дафтари»дан чиқарилди. «Темир дафтар»га киритилган Розажон Бозорбоева ҳам ёши олтмишга яқинлашаётганига қарамай фарзандидан етим қолган 2 нафар неварасини ўз тарбиясига олган. Унинг депутатга уй-жой сўраб қилган мурожаати ҳам эътиборсиз қолмади. Туман ҳокимлиги томонидан Розажон Бозорбоевага уй бериладиган бўлди.
Боғот туманидаги Ашхобод маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони Қувондиқ Ешниёзов боғотлик депутатимиз Илҳом Рўзметовдан ногиронлик аравачаси олишда ёрдам сўраганди. Депутатнинг туман ижтимоий хизматлар шўъба корхонасига юборган сўрови ҳам ижобий ечим топди. Яъни, ташкилот томонидан Қувондиққа ногиронлик аравачаси олиб берилди.
Тан олиш керакки, мавжуд муаммоларга ўз вақтида ечим топиши одамларнинг ҳаётидан рози бўлишларига олиб келади. Аммо камчиликларни жойида ҳал этиш имкони бўла туриб, масъул ташкилотлар томонидан сусткашликка йўл қўйилиб, ижроси кечиктирилаётгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак. Айниқса, депутатларни...
Зеро, халқ ишонч билдирган депутатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, жойларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурлари ижроси таъминланишида жонкуяр бўлиши зарур. Партиямиздан сайланган аксарият депутатларимиз бугун ана шундай талаблар асосида иш олиб бормоқда.

**Нигора НУРЛАЕВА, партия Хоразм вилояти Кенгаши етакчи мутахассиси**



# АХБОРОТ МАНИПУЛЯЦИЯСИГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР



**Тухум ва сут каби ахборот ҳам тез айниш, бузилиш хусусиятига эга, дейишади. Фақат фарқи шундаки, озиқ-овқат маҳсулотлари узоқ туриб қолиб бузилса, ахборот «дарбадар»ликдан бузиларкан.**

XXI асрнинг оғриқли муаммоларидан бири ҳам хабарлар мазмунининг бузилаётгани ёки сохталаштирилаётганидир. АҚШнинг «Wired» журнали асосчиси Кевин Келли «янгиликларни эълон қилишдаги энг катта қийинчилик ҳақиқатнинг янги шаклга киришидир», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, бугун жамиятлараро «фикр оғуси» авж олиб, интернет тармоқлари ёлғон ва сохта (фейк) хабарларга тўлиб кетган бир пайтда бу масала қанчалар долзарб эканини ҳис этиш қийин эмас. Бундай ёндашув оқибатларини англаган айрим мамлакатлар, ҳатто, сохта хабарлар тарқалишига қарши кураш чораларини кучайтира бошладилар.

Масалан, Германияда 2017 йили қабул қилинган қонунга кўра, фейк хабар ва маълумотларнинг Фейсбук ва Твиттердан олиб ташланмагани учун ана шу ширкатлар давлатга 50 миллион евро (58 миллион АҚШ доллари) миқдорида жарима тўлаш талаби қўйилган. Бундан ташқари, тармоқ раҳбариятининг ўзидан 5 миллион евро жарима ундириши кўзда тутилган.

Францияда ҳам «ахборот манипуляцияси»га қарши туришнинг ҳуқуқий асосларига қаратилган 2 та қонун ишлаб чиқилиб, парламент муҳокамасига киритилибди. Гарчи, бу лойиҳа мамлакат президенти Эммануел Макрон томонидан қўллаб-қувватланган бўлса-да, аммо мухолифат буни сўз эркинлиги ва «фикрлаш полицияси»ни яратишга қаратилган ҳужум, дея баҳоламоқда.

Бразилия парламентида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасида эса интернетда соғлиқни сақлаш, хавфсизлик, миллий иқтисодиёт, сайлов жараёнлари ёки бошқа манфаатдор шахслар билан боғлиқ нотўғри маълумотларни тарқатганлик учун 3 йилгача қамоқ жазосини белгилаш назарда тутиляпти. Маълумки, ушбу давлатдаги 35 та сиёсий партиядан 10 таси июнь ойида «нотўғри маълумотни тарқатиш»га қарши сайлов органи билан шартнома имзолаган эди.

Яқинда Кения президенти Уҳуру Кениата ҳам «сохта янгиликлар» тарқалишининг олдини олиш мақсадида янги қонунга имзо чекди. Унга кўра, фейк хабарлар тарқатганлик учун 50 минг АҚШ доллари ёки 2 йилгача озодликдан маҳрум этиш ёхуд ҳар икки модда билан ҳам жазолаш назарда тутилган.

Малайзияда эса сохта хабар тарқатгани учун 6 йил қамоқ ёки катта миқдорда жаримага тортиш жазоси қўлланилади. Мана 3 йилдирки, ушбу қонун мухолифатчилар танқидига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам май ойида ўтказилган сайловларда ғалаба қозонган ва танқидчилар орасида бўлган янги бош вазир Маҳатҳир Моҳамад қонунни қайта кўриб чиқишга ваъда бермоқда.

Тан олиш керак: интернет ҳаётимизга енгиллик олиб кириш билан бирга ўзининг кутилмаган «хатти-ҳаракат»лари билан ҳаётимизни ҳам издан чиқарар даражада ўз домига тортмоқда. Дастлаб у сизга янгича ҳаёт, янгича қулайлик ва қизиқарли турмуш тарзини таклиф қилади. Кейин эса фикрларингизни бошқаларга чуқурроқ сингдириш ва кучлироқ таъсир этишингиз учун Сизга чинакам «яратувчи»га айланиш таклифини беради. Ҳаммаси шундан кейин бошланади. Бир кунда дунё саҳнасида ҳам қаҳрамон, ҳам қурбон ролида пайдо бўла бошлайсиз. «Рол»га шунчалар киришиб кетасизки, ҳатто фойда ва зарар билан ҳисоблашмай қўясиз. Тарқатаётган хабарингиз қанчалик тўғри ёки ёлғон экани ҳам муҳим бўлмай қолади. Фақат бир мақсад билан яшай бошлайсиз: аудиторияни сақлаб қолиш. Шу ерда Сизнинг маънавий мағлубиятингиз бошланади. Аммо ортга қарасангиз, барчасига ўзингиз айбдор эканингизни яққол кўриш қолади ва Сиз аттанг қила бошлайсиз.

**Машҳура КАРИМОВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 1-босқич магистранти**

Жарчилик санъати

# Тарихнинг ҳар қатида миллат руҳи бор





**Давлатимиз раҳбарининг Ислом цивилизацияси марказига ташрифи чоғида буюк алломаларимизнинг ислом тараққиётига қўшган ҳиссасини теран тадқиқ этиш, ота-боболаримиздан қолган маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, тарихий обидалар қимматини дунёга ёйиш, бу жараёнда эса қадриятларимиз ҳақида холис ахборот тарқатувчи мутахассисларга жуда катта эҳтиёж сезилаётгани таъкидланган эди.**

Чиндан ҳам, ўзининг интерпретаторлик маҳорати, воизлик маданияти ва герменевтик қобилиятига эга бўлган мутахассислар – гидларни тайёрлаш бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир.

Алломаларнинг таъкидлашича, тўтиқуш ҳам «нотиқ» бўлиши мумкин. Аммо у ҳеч қачон фасиҳ бўла олмайди, чунки у қайси гапни қачон гапириш кераклигини билмайди. Демак, фасоҳат фаросатни, фаҳм-у диддни, ақл-идрокни талаб этади. Фасоҳат сўзи «очиқ-ойдин», «равшан», «соф бўлиш» маъноларини билдиради. У «фасҳ» сўзидан олинган бўлиб, бирор бир нарсани уни булғайдиган нарсадан холи бўлишини англатади. Зеро, сайёҳ қалбига йўл топиш, унга меъморий обидалар ёхуд экспонатлар ҳақида маълумот беришнинг ҳам ўзига хос сир-асрорлари бор.

Хатоба, илми балоға ва фасоҳат, коммуникатив компетентлик ҳамда герменевтика мулоқот кўприги, аниқроғи, киришимлилик қобилияти, билганларини етказа олиш маҳорати. Шунчаки етказиш эмас, балки, у таъсирчан етказиш салоҳиятини талаб этадиган фан ва тадқиқот объекти саналади. Агар шундай бўлмаса, «мулоқот кўприги» мустаҳкам қурилмаса, соҳа ривожланмайди, ютуқ ва натижалар ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Герменевтика юнонча «hermeneukos» сўзидан олинган бўлиб, «тушунтирувчи», «талқин этувчи» маъноларини билдиради. Унинг термин сифатидаги генезиси, тарихий илдизи қадимги юнон афсоналарига бориб боғланади. Ривоятларга кўра, Олимп тоғидаги «маъбуд»ларнинг амри фармон ва хабарларини олиб келувчи афсонавий қаҳрамон номи Гермес (асли Ҳермес) бўлиб, унинг вазифаси одамларга ана шу хабарларни тушунтириб, изоҳлаб бериш бўлган. Герменевтика афсонавий қаҳрамон «Гермес»(Ҳермес) номидан келиб чиққани ҳақида иқтидорли тадқиқотчи олима Солиҳа Аллаярова ўзининг «Герменевтика» номли ўқув қўлланмасида анчайин кенг маълумот келтиради. Жумладан, «Гермес» ва «герменевтика» орасида талаффузда ҳам, вазифадошликда ҳам ўхшашлик борлиги, яъни, Гермеснинг маъно ва мазмунни ташувчилик, етказиб берувчилик вазифаси герменевтиканинг матн маъносини тушуниш ва тушунтириш санъати экани билан бир хиллигини эътироф этади.

Герменевтиканинг моҳият эътибори шарҳлаш, тушунтириш бўлгани боис, унинг пайдо бўлишидаги илк даврларда ҳар хил рамзларни, Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссей» асарларини маҳорат билан шарҳловчи герменевтлар бўлган. Кейинчалик, герменевтик анъана диний маърифат аҳлига катта имконият эшикларини очган. Муайян диний эътиқод ва ғояларни халқ оммасига сингдиришда, хусусан, «Таврот», «Забур», «Инжил» ва «Қуръон» каби муқаддас китобларни шарҳлаш ва тушунтиришда катта роль ўйнаган.

«Фалсафа тарихи энциклопедияси»да қайд этилишича, герменевтика ижтимоий борлиқни тушуниш шарти ҳақидаги фалсафий таълимот бўлиб, у тор маънода, филология, ҳуқуқшунослик, илоҳиётшунослик ва бошқа гуманитар соҳага тааллуқли матнларни ўрганишда қўлланиладиган метод ва қоидалар тўпламидир.

Бугунги кунда герменевтиканинг қамрови бекиёс бўлиб, у худди илми хатоба ва балоға сингари муайян фан ва соҳаларнинг мазмун-моҳиятини очишга хизмат қилади. Фалсафа фанлари номзоди, доцент С.Аллаярова таъбири билан айтганда, герменевтика шунчаки метод ва қоидалар тўплами эмас, балки инсон борлиғининг алоҳида онтологик аҳамиятга эга бўлган феноменидир. Чунки герменевтика инсонга тушуниш ва тушунтириш имконини бериш билан борлиқнинг (бор бўлиш, мавжудликнинг) муҳим асосини ҳам ташкил қилади. Зеро, маънони тушуниш ва талқин қилиш ҳаёт мазмунининг таянч бўғинидир.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, хоҳ табиий, хоҳ ижтимоий-гуманитар фанлар бўлсин, билимнинг асосини тушуниш ва тушунтириш жараёни ташкил қилади. Бу ҳам таълимий мулоқот жараёнининг узвий бир бўлагидир. Афсуски, фан сифатида олий таълим муассасаларида герменевтика ўқитилмайди. Фақатгина Ўзбекистон Миллий университети ва Нукус давлат университетининг фалсафа факультетларида шу хусусда қисқа соатларда таълим берилади. Ваҳоланки, ривожланган давлатларнинг аксариятида, жумладан, Италия, Германия, Австрия, АҚШ, Канада ва Франция каби давлатларда герменевтика алоҳида фан сифатида қабул қилинган ва мактаб, коллеж ҳамда университетларда алоҳида дарслик асосида ўқитилади. Шунингдек, Россиянинг қатор олий таълим муассасаларида ҳам санъат герменевтикаси, психогерменевтика, филологик герменевтика, юридик герменевтика, фалсафий герменевтика каби фанлар умумкасбий фан сифатида ўқув режасидан жой олганини айтиш мумкин.

Билим ва маълумотни тарқатиш, талқин қилиш герменевтиканинг асоси бўлса, уни таъсирчан ва санъаткорона маҳорат билан етказиш коммуникатив компетентлик даражаси

> Муайян диний эътиқод ва ғояларни халқ оммасига сингдиришда, хусусан, «Таврот», «Забур», «Инжил» ва «Қуръон» каби муқаддас китобларни шарҳлаш ва тушунтиришда катта роль ўйнаган.

билан боғлиқ. Аммо бундан санъаткорлик маҳорати фақат коммуникатив компетенцияга ёхуд хатоба ва балоға фанларига дахлдор бўлиб, герменевтикага тааллуқли эмас, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Ҳар тўрталаси ҳам сўзнинг кучи, маъноси ва таъсирчанлигини ҳис этиб иш тутиши, тингловчилар оммасининг диққатини тортиш асносида уларнинг онгу шуурига ғояни сингдириши ҳамда уларда даъват орқали рағбат, ҳаракатни уйғотиши керак. Демак, герменевтик қобилият коммуникативлик лаёқати билан уйғун бўлгани ҳолда тингловчиларни қониқтира олиш даражаси билан белгиланади. Бу эса қайси тилда бўлмасин, сайёҳларнинг қизиқиши ва эҳтиёжини қоплайдиган методлар жамланмасидир.

Худди шу маънода, чинакам гид яхши санъаткор, яхши герменевт, яхши психолог бўлиши керак. Томоша қилиш, маълумот олиш учун келган сайёҳнинг онгу шуурига маълумотни жойлаш усули, сингдириш механизми шуни тақозо этади. У ҳам кўради, ҳам эшитиб тасаввур ва тафаккур дунёсини кенгайтиради. Ўз юртига қайтиб борган сайёҳ сафар таассуротларини ўзгаларга улашади. Натижада эшитганларнинг ҳам мамлакатимизга сафар ишқи, ҳаваси уйғонади. Бу эса туризмнинг кенг қанот ёйиши учун муҳим омилдир.

Гиднинг тарихий воқеа ва шахсларни «жонли ва тирик» намоён эта олиши унинг герменевтик қобилияти билан изоҳланади. Айрим гидларни эшитганингизда ҳамма тарихий ҳодисалар худди кинотасмасида кўз ўнгингиздан ўтгандек таассурот уйғотса, баъзиларида эса «қоронғи»ликда юргандек бўласиз.

Маълумки, Шарқда талқин қилиш назариясининг илк кўринишлари даставвал, «Авесто»да ведалар талқинида намоён бўлган. Кейинчалик, улар муқаддас «Қуръони карим» ва «Ҳадиси шариф»ни тушуниш ва тушунтиришда муҳим роль ўйнаган. Қуръон суралари ва оятларидаги илоҳий мазмунни англаш ва англатишда уни тафсир этувчилар муфассирлар дейилган. Тафсир арабча сўз бўлиб, у изоҳлаш, баён этиш, очиб бериш, шарҳлаш маъноларини англатади. Қуръони карим маъноларини шарҳлашга қаратилган муфассирлар ҳам ўзига хос герменевтик ва коммуникатив компетентликка эга бўлишган.

Имом Маҳмуд Мотуридий, Имом Абу Лайс Самарқандий, Имом Жоруллоҳ Замахшарий, Имом Ҳусайн Розий, Имом Насафий кабилар ана шундай муқтадир муфассирлардир. Улар илми таъвил (араб. - изоҳлаш, асл маъносига қайтариш)да ҳам донг қозонишган. Қуръондаги «муташобиҳ» ва «муқаттаот» деб номланувчи ҳарфлар билан бошланувчи оятларнинг туб маъноларини эса ҳеч ким уларчалик тушунтира олмаган.

Эрих Фроммнинг «Унутилган тил» мақоласида таъкидланишича, барча сўзлар – рамзлар (символ)дир. Буни тўла тушуниш учун сўзларнинг этимологик асоси ва генезисини билиш керак. Ҳар бир авлод ўтмишда, кеча айтилган ҳар қандай ҳақиқатни, тушунчани англаши учун бугуннинг талқинига – интерпретацияга муҳтож бўлиши аниқ. Олдин бошқа маънога эга бўлган сўз даврлар ўтиб ўз маъносини ўзгартириши ҳам мумкин.

Герменевтика илмининг йирик намояндаларидан бири Поль Рикёр «Талқинлар зиддияти» (Герменевтика ҳақида очерклар) асарида шундай ёзади: «Инжил талқинчилари аллақачон бизга уқтириб кетганки, бир матннинг ўзи бир қанча маънога эга бўлиши мумкин.» Бу эса Пол Рикёрнинг «яхши тушуниш учун яхши тушунтириш керак», деган фикрини эслатади. Айни пайтда яхши тушунтириш учун яхши тушунган ҳам бўлиш керак. Бу эса гидларга юкланган масъулият ҳисси ва мажбурият бурчи ҳамдир.

Ҳар қандай гид коммуникатив компетентлиги ва герменевтик тажрибаси билан муваффақият қозониши ва туризмнинг ривожига муносиб ҳисса қўша олиши мумкин.

Буларнинг бари Президентимизнинг Ислом цивилизацияси маркази учун малакали гид - таржимонлар тайёрлаш, уларни Ўзбекистонда ислом дини ёйилиши ва илм-фан ривожи бўйича ихтисослаштириш вазифаси қўйилиши борасидаги таклифлари нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини англатади.

**Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти, «Маърифат» тарғиботчилари жамияти ва Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси**

# ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАГАН БУРГУТ



## Ёки умрининг етмишинчи баҳорини қаршилаётган профессор Абдулла Насимовнинг ҳаёти ва фаолиятига чизгилар

**Бу синовли дунёда инсон умрининг ҳар бир лаҳзаси гоҳо роҳату гоҳи машаққатларга тўла имтиҳонлардан иборат. Кимки ҳаёт аталмиш уммонда сузиш ҳадисини ололса, бу имтиҳонларда муваффақият қозонади. Бугунги қаҳрамонимиз – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, техника фанлари доктори, Самарқанд давлат университети профессори, ўзининг ҳалол умр йўли ва сидқидил меҳнати туфайли элда эъзоз топган олим Абдулла Насимовнинг ҳаёти ва фаолиятига назар ташлар эканмиз, юқоридаги фикрларимизнинг нақадар тўғри эканини яна бир бор дилдан ўтказамиз.**

Умрини илм-фан, маънавият-маърифат орқали халқ хизматига бағишлаган домла бугун муборак етмиш ёшни қарши олмоқда. Унинг пок қалби, одамохунлиги, хушмуомаласи, камтаринлиги, меҳнатсеварлиги, масъулияти одамлар орасида обрў қозонишига, эл-юрт дуосини олишига сабаб бўлгандир, эҳтимол. Чиндан ҳам, устоз умр дафтарининг ёркин саҳифаларига битилган ҳар бир сатрда илмга ташналик, киндик қони тўкилган заминга муҳаббат, ҳамюртларга меҳр, фарзандлар ва шогирдлар тарбиясига айрича эътибор, мухтасар айтганда, фидойилик нафаси уфуриб туради.

Абдулла Насимов ботирлари қўриқлаган, бахшилари улуғлаган, булбуллари хониш қилган Қўшработдек бобарокот музофотнинг Оқтов ёнбағрида жойлашган Қўрғон қишлоғида таваллуд топган.

Қўрғон – халқимизнинг фахри бўлган, улуғ номлари бугунгача яшаб келаётган Ёдгор бахши, Лафас, Абдулла, Тош, Мулла Холмурод, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Тилла кампир, Султон кампир, Жассоқ ва Ярлақоб каби бахшиларга бешик бўлган табаррук замин. Бу қишлоқ мафтункор табиати, унумдор тупроғи, зилол сувлари, бағрикенг, танти, тоғликларга хос чўрткесар, меҳмондўст одамлари билан довруғ қозонган.

Ўзига ярашган сочларига оқ оралаган, оғир-вазмин, салобатли, ҳар қандай суҳбатдошини чуқур фалсафий мушоҳадалари билан лол қолдира оладиган, маънили мулоҳазалар, теран фикрларга бой, ҳар ишга қўл уришдан аввал етти ўлчаб бир кесадиган Абдулла Насимовни учратсангиз, унда дарҳол оқтовликларга хос фазилатларни сезасиз.

Устоз бугунги шукроналик кунларига осонликча, тасодифан ёки кимнингдир «эркатойи» бўлиб эришгани йўқ. Аксинча, етиб келинган етмиш йиллик ҳаёт йўлининг ҳар бир бекатида тинимсиз меҳнат, уйқусиз тунлар, изланиш, интилиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, машаққат ва қийинчиликлар лиммо лим.

Абдулла Насимов зиёли оилада дунёга келган ва тарбия топган. Унинг етук шахс сифатида шаклланишида ҳамқишлоқ бахши боболарию момоларининг қайнаган ижод булоғидан ичган суви, Қўрғон достончилик мактабининг ўзига хос қадриятлари муҳим ўрин тутган десак, муболаға бўлмайди. Устоз эришган мақом ва мартаба чиндан ҳам ҳавас қилгулик.

У Қўшработ туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактабини олтин медаль билан тамомлади. Самарқанд давлат университетининг кимё факультетига ўқишга кирди. Салкам ярим асрлик фаолияти давомида дорулфунунда ҳалол хизмат қилиб, юзлаб шогирдлар етиштирди, мамлакат илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Шу йиллар давомида Абдулла ака кафедрада лаборант, ассистент, кафедра мудири, факультет декани, ўқув ишлари бўйича проректор, «Илмий-тадқиқотлар ахборотномаси» журнали муҳаррири ўринбосари, университет ҳузуридаги кимё фанларини ўқитиш методикаси бўйича ташкил этилган илмий кенгаш раиси, ЎзМУ ҳузуридаги кимё фанлари бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишга ихтисослаштирилган илмий кенгаш аъзоси каби вазифаларда астойдил меҳнат қилди.

Абдулла Насимов ўндан ортиқ фундаментал, амалий ва инновацион грантлар соҳиби ҳамда СРДФ Халқаро гранти соҳиби. Ўзбекистон илм-фани намояндалари қаторида қатор халқаро симпозиум ва анжуманларда муваффақиятли иштирок этиб, ўз таклиф-ташаббусларини дунё миқёсида дадил илгари сурган. Университетнинг ўзида ўтказилган ўнга яқин илмий-амалий конференциянинг ташкилотчиси ва ташаббускорларидан саналади. Жумладан, 2012 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти доирасида ўтказилган «Яшил кимё барқарор ривожланиш омили» мавзусидаги йирик анжуманга бош-қош бўлган олимлардан бири.

Шуниси диққатга сазоворки, устознинг иккита монографияси, 400 дан ортиқ илмий мақола ва услубий қўлланмалари нашр этилган бўлиб, илмий жамоатчилик томонидан юксак эътироф этилган. Маълумки, ўқув жараёнини чуқур билиш, таҳлил қилиш, ташкил этиш, бошқариш ҳар қандай кадрдан катта маҳорат, кўп билим ва ташкилотчилик қобилиятларини талаб қилади. Абдулла Насимовнинг табиатида ана шундай сифатлар борлиги учун факультет ва университетда ўқув жараёнлари муайян даражада такомиллаштирилди, иқтидорли талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. Устоз ҳар бир дарс ва амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўради, мавзуга оид қўшимча ва янги маълумотларни турли манбалардан излайди, ўрганади. Тўплаган материалларини қайта-қайта кўздан кечиради. Ўтилаётган ҳар бир машғулотни бугунги ҳаёт билан боғлайди. Бу эса талабаларда, тингловчиларда нафақат кимё фанига қизиқишни оширади, балки уларни келажакка руҳлантиради.

Абдулла Насимовнинг бошқа кимёгар профессор-ўқитувчилардан фарқли жиҳати шундаки, у ўз касбига доим ижодий ёндашади. Менделеев даврий системасидаги кимёвий элементларни шеърга солгани, «Ҳаёт кимёдир», «Ҳаёт жавоҳирлари», «Мўъжизакор кимё» каби тўпламлари кўпчиликнинг кўнгил мулкига айланиб улгургани бу фикримизга далилдир. Тўғри, она Ватан, унинг табиати, касб-кор, ота-она, фарзандлар, меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат тараннум этилган шеърий битиклар талайгина. Аммо кимёвий элементлар тўғрисида шеърий сатрларни битиш осон эмас. Шу боис устознинг шеърий сатрларини кўздан кечирган Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Сирожиддин Саййид кимёвий элементларга шеърий таъриф берилганини кўриб, бу ижод маҳсулига ўз вақтида юқори баҳо беришган.

Шу билан бир қаторда, устоз дарслар ва машғулотлар жараёнида фанлараро интеграциядан ўринли фойдаланади, адабиёт қуроли бўлган сўз орқали талабаларни кимё фанига қизиқтира олади. Бу эса, таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Талабаларнинг дарслардаги фаол иштироки, фан олимпиадаларида шогирдлари қўлга киритаётган муваффақиятлар устоз илми ва педагогик маҳоратининг самарасидир.

Домла ўз фаолияти давомида икки нафар фан доктори, саккиз нафар фан номзодини тайёрлади, аксарият шогирдлари бугунги кунда устоз билан бир сафда, ёнма-ён меҳнат қилиб, ундан нафақат илмий, балки ҳаётий сабоқларни олишда давом этишмоқда.

Устознинг ёш олимларнинг диссертация ҳимояси жараёнидаги саъй-ҳаракатларини кузатсангиз, ундаги илм аҳлига хос бўлган босиқлик, тинглаш маданияти, мавжуд муаммога қулай ечим топа билиши, илм толибига тўғри маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, йиқилганни суяш каби инсоний фазилатларга бой бўлган улкан қалб соҳиби эканига шоҳид бўласиз.

Абдулла Насимовнинг жамоат ишларидаги фаолиятидан ҳам ибрат олса арзийди. Факультет, университет, маҳалла, вилоят миқёсида ўтказилаётган тадбирларда кўпчиликка бош-қош, одамлар билан жуда тез чиқишиб кетиш қобилияти бор. Ўткир мушоҳадаси, бой билими, аудиторияни кўра олиш иқтидори, нотиқлик санъати туфайли кўпчилик ҳурматини қозонган. Ёшларни Ватанни севишга, ардоқлашга, ҳимоя қилишга, тинчликнинг қадрига етишга, ота-онани, ёши улуғларни ҳурмат, кичикларни иззат қилишга, билим манбаи бўлган китоб ўқишга ва спорт билан шуғулланишга ундайди ҳамда ўзи бу борада барчага ўрнак ва намуна бўлиб келмоқда.

Абдулла Насимов дам олиш кунлари, байрамларда она қишлоғи Қўрғонга отланади. Қишлоғининг тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олади, гўзал манзараси, саррин сабо啁ларию зилол сувларидан баҳраманд бўлади. Ота-онаси, бахши боболари, момолари, Жўш отани зиёрат қилади. Яқин қариндошлари ва беморлар ҳолидан хабар олади, тўй-маъракаларда иштирок этади. Ўзи ўқиган мактабига бориб ўқувчилар билан учрашади. Аълочи ва жамоатчи ўқувчиларни рағбатлантиради.

Абдулла Насимов меҳрибон ота, ғамхўр, меҳрибон, кези келганида қаттиққўл оила бошлиғи сифатида ҳам кўпчиликка ибрат. Турмуш ўртоғи Адолат ая билан беш нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. «От изини той босар» мақолининг амалдаги ифодасини ушбу оила мисолида яққол кўриш мумкин. Ўғли Дилмурод иқтисод фанлари доктори, қизлари Фарида, Холида, Азиза, Нилуфар ҳам иқтисодчилик ва ўқитувчилик касбининг моҳир усталари.

Устоз кўпинча фарзандларини етовига олиб Қўрғонга боради. Уларга боболари, момолари ҳақида қайта-қайта ҳикоя сўзлашдан эринмайди, аждодлари, етти пушти кимлар бўлишганини ўргатади.

– Бир гал қишлоққа борганимизда фарзандларимни тоғ тепасига олиб чиқдим, – дейди Абдулла Насимов. – Ҳув баланд чўққиларни, улкан қояни кўряпсизларми?

– Ҳа, кўраяпмиз, – дейишди болаларим.

– Агар кўраётган бўлсаларинг, ушбу қоя қишлоғимиз аҳлини иссиқ гармселлардан, совуқ шамоллардан асраб турибди. Сизларнинг ҳам қоя бўлишингизни истайман. Ҳар бирингиз бир катта қоя бўлиб, давлатимиз, эл-юртимиз, бағрикенг халқимиз манфаатлари йўлида ҳалол ва фидокорона хизмат қиладиган, Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган, она тупроғимизни ҳар қандай ёвуз ният ва кучлардан ҳимоя қиладиган садоқатли фарзандлар бўлишингизни хоҳлайман.

Абдулла Насимов зурриётларига, ўз фарзандидек кўрадиган шогирдларига бу каби чин инсонийликка йўғрилган ҳаётий сабоқларни жуда кўп беради ва ишончимиз комилки, ушбу анъана яна давом этаверади.

Бугун устоз табаррук етмиш ёшни қарши олмоқда. Шу фараҳбахш кунларида у кишига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-омонлик, оилавий фаровонлик, эл-юрт хизматига камарбасталикдан асло чарчамасликларини тилаймиз.

Бургут дунёда жасурлик, мардлик рамзи сифатида қадрланади. Унинг танаси бақувват, қанотлари кенг, юксак маъволарга парвоз қилади ва ҳамиша баланд чўққиларни кўзлаб яшайди. Агар таъбир жоиз бўлса, Абдулла Насимовнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлини ҳам чўққини кўзлаган бургутга қиёслагимиз келади. Зеро, юксак чўққини кўзлаб, нурга интилганларнинг парвози ҳам сарбаланд бўлади.

„ Ўзига ярашган сочларига оқ оралаган, оғир-вазмин, салобатли, ҳар қандай суҳбатдошини чуқур фалсафий мушоҳадалари билан лол қолдира оладиган, маънили мулоҳазалар, теран фикрларга бой, ҳар ишга қўл уришдан аввал етти ўлчаб бир кесадиган Абдулла Насимовни учратсангиз, унда дарҳол оқтовликларга хос фазилатларни сезасиз.

**Абдумажид АБДУМАННОТОВ,**
**педагогика фанлари номзоди, доцент**
**Хуршид ТОШПЎЛАТОВ,**
**кимё фанлари бўйича фалсафа доктори**

✔ Вазиятга назар

# «Бешариқ» ҳам, «Қуёшча» ҳам мавсумга тайёр эмас

**«Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилояти Кенгаши фаоллари маҳаллий кенгашлардаги депутатлар билан 17 та оромгоҳ фаолиятини ўргандилар.**

Маълум бўлишича, айни пайтда вилоятда болаларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказишлари учун 61 та оромгоҳ ташкил этилган. Шундан 47 таси умумтаълим мактабларида фаолият олиб боряпти.

Масалан, «Машъал» болалар оромгоҳи мавсумда 5 даврада фаолият кўрсатиб, ҳар даврада 100 нафардан, жами 500 нафар дам олувчини қабул қилишга мўлжалланган. Ҳозир бу ерда 20 нафар педагог-ходим болажонлар хизматида. Болалар хавфсизлигини таъминлашга эса 1 нафар туман ички ишлар бўлими, 1 нафар «Миллий гвардия» қўриқлаш хизмати, 1 нафар санитария эпидемиология маркази ва соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари бириктирилган. Оромгоҳдаги ётоқхона, кутубхона, ёзги бассейн ва спорт майдончалари болажонлар ихтиёрида.

Асака туманидаги «Истиқлол қалдирғочлари» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида эса мавсум давомида 600 нафар бола қамраб олинади. Оромгоҳда барча қулайликлар яратилган. Энг асосийси, тоза ичимлик суви муаммоси ишчи гуруҳ томонидан назоратга олинди.

Шаҳрихон туманидаги «Бешариқ» оромгоҳидаги ҳолат эса депутатлар учун ҳам кутилмаган ҳолат бўлди. Компьютерлар яроқсиз ҳолга келиб қолган, ошхона ва маънавият хоналари талабга жавоб бермайди, ётоқхонада ҳаво айланмайди. Тиббиёт хоналари эса зарур жиҳозларга эга эмас. Энг хавотирлиси, оромгоҳнинг ёнгинасидан оқиб ўтаётган сой бўйига ҳеч қандай тўсиқ қўйилмаган. Ариқ қирғоқлари чиқинди уюмларига тўла. Ошхона маҳсулотлари ҳам сертификатсиз.

Ишчи гуруҳи Қўрғонтепа туманидаги 1-умумтаълим мактабида ташкил этилган «Қуёшча» болалар кундузги соғломлаштириш оромгоҳи фаолиятини ҳам ўрганди. Эрталаб 8:00дан 13:00 гача болаларга хизмат кўрсатаётган оромгоҳда айни пайтда 100 нафар бола дам олмоқда. Қизиғи, оромгоҳ тушгача ишлагани учун болаларга тушги овқат берилмас экан.

Ўрганишлар жараёнида тиббий хизмат ва санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилиб, аниқланган камчиликлар бўйича тегишли мутасаддиларга депутатлик сўровлари ҳам юборилди.



**Камола АБДУВАЛИЕВА,**
**партиянинг вилоят Кенгаши раиси ўринбосари**




# «Ҳаяжонланманг»

Машойихлар билиб айтган экан: дўстнинг эскиси, хотиннинг янгиси яхши бўларкан. Янги хотин деганичи, янги калишга ўхшаркан, вей! Иссиққина, юмшоққина. Торгина... Аввалги хотини сигирмижоз эди. Лапанглаб юрадими-ей, овқатни пишиллаб ейдими-ей... Бунисининг юргани билинмайди-я! Мушукка ўхшайди, барака топгур! Бирам одобли, бирам меҳрибон! Икки гапнинг бирида «жоним» дейди.

Унсизгина пилдираб келади-да, тиззасига ўтириб олади. Тиззасига ўтири-и-и-б, томоғини ялайди. Шундай қилса, эркак кишининг асаби ором олармиш. Дўхтир-да, билади... Аввалги эри шундоқ хотиннинг қадрига етмаган экан, номард!

Мана, бугун ҳам диванда ўтире-е-еб, «Саломатлик» журналини ўқиётган экан. Эри эшикдан кириб келиши билан мулойим товушда сўради:

– Яхши келдингизми, жоним?

– Яхши, – деди эр, – бугун мажлис бўлди.

– Ҳаяжонланманг, жоним, ҳаяжонланманг, – деди хотин. Эр ҳайрон бўлди.

– Ҳаяжонланаётганим йўқ. Ишхонада мажлис бўлди. Мажлисда...

– Ана, яна ҳаяжонланяпсиз! Мажлис бўлса бўпти-да! Шунгаям ҳаяжонланиш керакми?

– Ҳаяжонланаётганим йўқ, ахир! – деди эр баттар ҳайратланиб.

– Қўйинг, жоним, арзимаган мажлис деб ҳаяжонланманг. Бир марта гапимга киринг. Илтимос, ҳаяжонланманг!

– Ҳой, барака топгур, ҳаяжонланаётганим йўқ!

– Ана, қўлингизни пахса қиляпсиз. Биринчи стадия. – Хотин унинг кўзига диққат билан тикилди. – Нима кераги бор ортиқча ҳаяжонни!

– Ҳаяжонланаётганим йўқ, дедим-ку! -Эр инграб юборди. – Ҳаяжонланаётганим йў-ў-ўқ!

– Овозингиз титра-а-аб чиқяпти. Демак, ҳаяжонланяпсиз. Одам ҳаяжонланса, юрак тез уради. Юрак тез урса, томирдаги қон оқими кучаяди. Ҳаяжонланманг, жоним, ҳаяжонланманг! Ўтиринг, томоғингизни ялаб қўяман. Фақат ҳаяжонланманг!

– Ҳаяжонланаётганим йўқ, инсон, ҳаяжонланаётганим йў-ў-ўқ!

– Кўрдингизми, овозингиз борган сайин баланд чиқяпти, жоним. Одам қаттиқ ҳаяжонланса шунақа бўлади. Аввал овози титраб чиқади. Кейин баландлашади. Қон оқими кучайса, адриналин кўпаяди. Адриналин кўпайса, босим кўтарилади. Босим кўтарилса, қон томирлари зўриқади. – Хотин азза-базза ялинди. – Хўп денг, жоним, ҳаяжонланманг!

Эр тиззасини муштлади.

– Ҳаяжонланаётганим йўқ, дейман-а, ҳаяжонланаётганим йўқ!

– Ана, бақиряпсиз! Кўзингиз бежо... Иккинчи стадия! Қон томирлари зўриқса, асаб толалари ўлади. Асаб толаси ўлса, одам инсульт бўлади: фалаж! Кўзи ғилай бўли-и-иб, оғзи қийшайи-и-б қолади. Оёқ-қўли ишламай қолади. Мен психиатрман-ку, жоним, биламан-ку! Хўп денг, ҳаяжонланманг!

– Ҳаяжонланаётганим йўқ! – деди эр бўкириб. – Ҳаяжонланаётганим йўқ, ғалча, ҳаяжонланаётганим йў-ў-қ!

– Оғзингиздан кўпик чиқа бошлади. Учинчи стадия! Фалаж бўлсангиз ундан нари-я, жинни бўп қолсангиз... Хўп деб қўя қолинг, жоним, ҳаяжонланманг!

– Нима? «Жинни?» Ким жинни?! – Эр аввал столни муштлади. Кейин қўшқўллаб сочини юла бошлади. – Ҳаяжонланаётганим йўқ! До-о-од! Вой-д в-а-од! Ҳаяжонланаётганим йў-ў-ў-қ!

... Ҳушига келиб қараса, хотин нариги хонадан кимгадир телефон қиляпти.

– Аллёёё, бу жиннихонами? Флорочка, ўзингмисан, жоним? Ҳаяжонланма-а-а-ай ўтирибсанми? Эримга неча марта айтяпман: ҳаяжонланманг, ҳаяжонланманг, десам, бу яна ҳаяжонланяпти. Пешонам қурсин, аввалги эрим ҳам ҳаяжонланиб-ҳаяжонланиб, уч ойда жинни бўп қолувди. Буниси бир ойгаям бормайди шекилли?.. Нима? Йў-ў-ўқ, у ёғини ўйлаб қўйганман. Гугурт, пичоқ, болта – ҳаммасини беркитиб ташлаганман. Нима дединг? Вой, сенинг эрингни уже опкелишдими? Яна битта койка тайёрлаб қўй, жоним! Эрта-индин меникиям бориб қолади-ёв...

# Ёлғончи қоп...

Бозор гавжум. Кекса деҳқоннинг сабзисига харидор бўлдим. Мушак сабзи. Нокдек ярақлаб турибди. Мендан олдин келган шляпали харидор савдолашгунча пойлаб турдим. Шляпали сабзини қопи билан оладиган, деҳқон нархини туширадиган бўлди.

– Манави қоп неча кило чиқади? – деди харидор бўғзигача тўлдириб, устига сабзи барги солинган қопни кўрсатиб.

– Эллик кило, болам, – деди деҳқон.

– Ҳарқалай, тортиб кўрсакмикин? – деди харидор иккиланиброқ.

– Бемалол, болам, бемалол! – Деҳқон раста бошига имо қилди. – Ҳов, анави ерда катта тарози бор. Аравачи болани чақирсанг, қопи билан олиб борасан. Бирпасда тортиб кўрасан.

Шундай бўлди. Харидор қопни темир аравага орттириб олиб кетди. Бир оздан кейин бола аравани судраб келди. Кетидан харидор ҳам етиб келди.

– Ота, – деди, киссасини ковлаб, – қопингиз қирқ беш кило чиқди.

Деҳқон гоҳ харидорга, гоҳ қопга ҳайрон бўлиб қаради. Чиндан ҳам қопнинг оғзи очилмаган, ҳатто сабзи барглари ҳам жойида эди. Тирноқлари қорайиб кетган бармоқлари билан соқол-мўйловини силади. Кейин сабзи тўла қопни беозор шапатилади.

– Нега менга туҳмат қиласан, ноинсоф қоп?! – деди бош чайқаб. – Оппоқ соқолим билан ёлғон гапираманми, эси паст қоп! Шунча йил меҳнат қилиб, бировнинг ҳақига хиёнат қилганимни кўрганмидинг, нобакор қоп! Эртаматтан ўз қўлим билан тортганимда эллик кило чиққандинг-ку, турган жойингда беш кило сабзини еб қўймагандирсан, ёлғончи қоп?!

...Пул санаётган шляпаликнинг ранги ўчди. Бир зум кўзини пирпиратиб турди-да, ўзини оломон орасига уриб, ғойиб бўлди.

– Болам, – деди деҳқон анграйиб қолган аравакашга, – сабзини жойига опқўяқол, барака топкур. «Қоп» шунча мулзам бўлгани етар. Энди минбаъд ёлғон гапирмайди!

...Деҳқоннинг тирноқлари қорайиб кетган қўлини маҳкам сиқиб қўйгим келди...



«Дафтар ҳошиясидаги битиклар»дан

# Бу дунёнинг синови, имтиҳони мўл экан



Малоҳат МИРЗАЕВА

*Сирим айтсам майсаларга, саболарга сотдилар,*
*Дайди еллар шивиридан асроримни танидим,*
*Садоқатли дўстларгина мен-ла алам тотдилар,*
*Паналарда дилин хушлаб кулди қанча ғанимим.*

*Пинҳон бориб тўлқинларга тўкдим дилда борини,*
*Дарё кўниб олиб кетди ўзанини тўлдириб,*
*Э воҳ, улар яна қайтди чалиб маҳзун торини,*
*Самолардан бошгинамга ёмғир тусда тўкилиб.*

*Мен сиримни ерга кўмдим, ниҳол бўлиб бўйлади,*
*Танасида мингта чандиқ, дардларимдан мингта из.*
*Сўлғин-сўлғин япроқлари маҳзунликдан куйлади,*
*Шохларига қумри қўнмас дарахт нимжон, мадорсиз.*

*Бўлди энди ҳеч кимсага малол бўлмас сирларим,*
*Шу лаҳзадан қўл силтайман энди бари-барига.*
*Англаганим, ўтда ёнмас, сувда чўкмас сирларим,*
*Мен уларни буткул кўмдим юрагимнинг қаърига.*

***

*Не учун минг йилки турибди чинор,*
*У ҳам гоҳ ёлворар: Ер, қўйиб юбор!*

Шодмонқул САЛОМ

*Нозиккина ниҳол эдим, қададилар заминга,*
*Ўғит бериб, сув қуйдилар меҳр билан ардоқлаб.*
*Қуёшдан нур, ердан қувват сингиб жону танимга,*
*Кунлар ўтган сари кўкка талпинардим япроқлаб.*

*Улғаярдим эркаланиб фаслларнинг бағрида,*
*Кўз ўнгимда улканлашиб борар олам сурати.*
*Мўъжазгина бир ўриндиқ ўрнатишгач пойимга,*
*Секин англай бошладим мен одамларнинг сийратин.*

*Кун кунора макон қилди ўриндиқни ошиқлар,*
*То шом қадар ўтиришар, тугамасди изҳорлар.*
*Негадир ҳеч ўйлашмасди чимилдиқни ошиқлар,*
*Ўтса ҳамки қанча қишу қанча ёзу баҳорлар.*

*Танам узра боғланарди ҳар алдовдан бир тугун,*
*Қисмат экан. Гувоҳ бўлдим қанча ёлғон-яшиққа.*
*Кечагина бошқа саҳна кўрган бўлсам,*
*Эҳ бугун,*
*Ўша сулув карашмалаб турар бошқа ошиққа.*

*Йиллар ўтди, ўриндиқнинг бўёқларин ўчириб,*
*Энди менинг япроқларим заъфарондир яшилмас.*
*Ихлосим ҳам сўнди гўё, пойгинамда ўтириб,*
*Муҳаббатдан сўйлаганлар назаримда ошиқмас.*

*Сўзлай десам соқов эдим, ичга ютдим барини,*
*Дардларимнинг фиғони деб шовулладим эрталаб.*
*Бир ўтинчим, олиб кетинг ўриндиқни кўчириб,*
*Ёки мени ўтин қилинг аямасдан болталаб!*

***

*Кўноқмиз бир кеча дунёйи ҳеча,*
*На ишлар кечадур биздин бу кеча?!*

Сўфи Оллоёр

*Айланар ер гардиши, офтоб чиқар, кун ботар,*
*Тақдир бир бошинг силаб, гоҳи итдайин қопар,*
*Ким бахтини бой бериб, кимлардир бахтин топар,*
*Бировига арзанда, бирисига ёмонмиз,*
*Ғаниматдир бу дунё,*
*Биз дунёга меҳмонмиз.*

*Ой сузилар самода, бўйи етган қиздайин,*
*Кўнглим синиқ, ёронлар, синиққан юлдуздайин,*
*Йўқотган кўзмунчоғим қай сўқмоқдан излайин,*
*Кимларгадир интиқмиз, кимга эса армонмиз,*
*Ғаниматдир бу дунё,*
*Биз дунёга меҳмонмиз.*

*Бу дунёнинг синови, имтиҳони мўл экан,*
*Бир ёни Боғи Эрам, бир ён саҳро, чўл экан,*
*Гул деганинг тикану, ўнг деганинг сўл экан,*
*Дўстга нордон сўзлимиз, ёвга ширин забонмиз,*
*Ғаниматдир бу дунё,*
*Биз дунёга меҳмонмиз.*

*Зумрад бўлиб ичикдим, уйим кўриб келайин,*
*Самарқандга сочилган Сўзим териб келайин,*
*Хаёллари улоққан шоирангиз бўлойин,*
*Битта қайиққа тушган яхлит тақдири жонмиз,*
*Ғаниматдир бу дунё,*
*Биз дунёга меҳмонмиз.*

*Айтинг, ким бу дунёдан кетдим, деб сўраб кетар,*
*Кеча кўрган инсонинг бугун тобутда ётар,*
*Э воҳ, айриликлардан юрагинг нураб кетар,*
*Бугун бормиз, эртага бор-йўқлиги гумонмиз,*
*Ғаниматдир бу дунё,*
*Биз дунёга меҳмонмиз.*

*Тун бағрини тилкалаб, ёриштирган чақмоқдир,*
*Умримиз барқ уриб сўнг хазон бўлган япроқдир,*
*Ҳар банданинг тўшаги охири шўр тупроқдир,*
*Кетгунча бу дунёнинг боғидаги боғбонмиз,*
*Ғаниматдир бу дунё,*
*Биз дунёга меҳмонмиз.*

***

*Аразладим, кетгум йироқ, сизга қолсин оромлар,*
*Теграгизда гирён бўлсин, майли моҳитобонлар,*
*Юрагимни опичлаган ишқдир ганжу бисотим,*
*Ҳамроҳимдир хирқам барин тутган саркаш хазонлар.*

*Аразладим, аразларга мойиллигим йўқ эди,*
*Лабимдаги хандам эди масрурликдан нишона.*
*Севдим, деган сўзингиздан ахир, кўнглим тўқ эди,*
*Араздаман, Бегим, энди сизга қандоқ ишонай.*

*Байзо юзим куйдиради, дилда араз гулхани,*
*Кетаяпман, кўк паришон, сиёҳ зулфим паришон.*
*Одимлайман, қадамимда на мақсад бор, на маъни,*
*Ва жимгина кетиб борар иддаолар ёнма-ён.*

*Юрагимга ваҳм тушар, хаёлларим сарсари,*
*Қумга ботиб борар титраб, ҳолсизланиб қадамим.*
*Теваракка зулмат туннинг тушганида чангали,*
*Шағамдайин эриб борар юракдаги аламим.*

*Бу айрилиқ дарасининг бир бурчида пинҳона,*
*Кўзлари лўқ, оч шоқоллар турар мени кузатиб.*
*Аразимни жарга отиб, сизга қайтай мардона,*
*Ярашмоққа чорланг, Бегим, қўлингизни узатиб!*

*Аразладим...*

***

*Қадаҳ сўзи айтар жилвагар ҳаёт,*
*Бир четда мунғайиб турар орзулар...*
*Шуҳрат Ориф*

*Оҳ, ҳарир либосинг бунча чиройли,*
*Бунчалар дилбарсан, ширинсан Ҳаёт.*
*Тонгларинг сулувдир, тунларинг ойли,*
*Гўзаллигинг узра ёяман қанот.*

*Улуғвор тоғларинг самога туташ,*
*Хушовоз қумрилар чорлайди боққа.*
*Найнинг оҳангидан эрийман сармаст,*
*Хоҳиш йўқ бу ердан асло кетмоққа.*

*Бирдан!*
*Чақин чақиб қушлар тўзғийди,*
*Чанг тўзон ичида қораяр осмон.*
*Қўрқувдан титрайман, танам музлайди,*
*Қоронғи зулматга боқаман ҳайрон.*

*Анави дарвеш ким, ридоси жанда,*
*Менга ўқраяди ёвга боққандай.*
*Бир вақтлар сенингдек эдим, деганда,*
*Бўлди товонимдан чаён чаққандай.*

*Кўз ўнгимда олам кетар тўлғаниб,*
*Саҳрога айланиб, кўпчийди тупроқ.*
*Туш бўлса кетайин тезроқ уйғониб,*
*Агар, ўнгим бўлса бу қандай жумбоқ?*

*Жилғаларда сувмас оқаётир чўғ,*
*Тиз чўкдим, тиззамни куйдирди замин.*
*Шоқоллар кўзини қилиб турар лўқ,*
*Гўёки, сезгандай ўлжанинг таъмин.*

*Ё Раббим, бир гуноҳ иш қилдимми ё,*
*Бу азоблар нечун, синоат недан?!*
*Бир сас келди: – Асли ёлғондир дунё,*
*Ўтаяпсан синов чиғириғидан!*

## Рағбат

# Инқитоъ тийғи

Алишер Навоий ёзган:

*Истасангким урғасен давронға*
*тийғи инқитоъ –*
*Ул видоъ эткунча сен қилғил*
*бурунроғ алвидоъ.*

Даврон замон, замона дегани. Инқитоъ кесадиган, кесувчидир. Тийғ қилич, ханжар маъносини ифодалайди.

Истасанг, сен замонга уни кесадиган, замондан ғолиб бўладиган, замоннинг бузуқ ақийдасини синдирадиган, зулм ва истибдодни мағлуб этадиган, каж ва қайсарларни адолат қаршисида тиз чўктирадиган тиғ уришинг мумкин. Аммо шарти бор. Қандай шарти бор? Замон – дунё сенга видо – хайрлашув сўзини айтмасдан аввал сен: «Алвидо!» – деб қўй: дунёга этак силк, дунёдан умид уз, дунёдан кўнглингни кес, дунёга кўнгил боғлама, унинг учун қайғурма. Дунё матоҳини йўқотсанг, ғам чекма, топсанг, севинма.

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ айтмоқчики, қўлингда «инқитоъ тийғи» бўлсин. Қўрқувларинг чекинади. Жасоратинг порлайди.

Дунёнинг иши маҳрумият билан чўчитмоқдир. Дунё сени маҳрум қилмасидан аввал сен ўзингни дунёдан маҳрум айла. Дунё сенга ўлим билан таҳдид этмоғидан илгари ўлимни бўйнингга ол. Ўлимни қучоқлаб ухла. Ўлим билан ҳамнафас яша. Бас, Аллоҳ қўлингга инқитоъ қиличини тутқазади. Ва сен ҳамиша ғолибсан.

Акром МАЛИК

milliy tiklanish
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

# СЎНГГИ САҲИФА

Чоршанба
23 июнь, 2021
№ 21 (1123)



# БУ АСЛИДА КУТИЛГАН ҒАЛАБА ЭДИ

**«Қўқон – 1912» жамоасининг «Локомотив» футболчилари устидан ғалабаси айрим сайтларда кутилмаган воқеа деб аталибди**



**Бурҳон Шерматов**

«Қўқон–1912» мамлакатимиздаги саноқли хусусий жамоалардан бўлиб, бу ерда ишламаган тишламайди, тамойилига қатъий амал қилинмоқда.

Агар ҳар замонда вилоят ҳокими томонидан кўрсатиладиган моддий кўмак ҳисобга олинмаса, жамоа тўла хўжалик ҳисобида. Ўйинлар ва жамоа мутасаддиларининг қанча миқдорда ойлик олишларини ошкор қилиш навбати энди қўқонликларга келган кўринади. Шундагина бюджет маблағига ва ўзи ишлаб топган пулга ўйналадиган футболнинг футболдан фарқ қиладиган томонлари яққол кўзга ташланади.

Жамоа етакчилари билан суҳбатлашганимда молиявий масалалар ҳақида қизиқ фикрлар билдиришди. Ва, бу гаплар ташқарига чиқмаслиги лозимлигини айтишди. Аммо мен эътироз билдирдим: «жамоа хусусий бўлса, нега ҳижолат бўласизлар?».

Шундай бўлса-да, «бундай масалалар ошкор қилинмагани маъқул», деган жавоб олдим.

Демак, ҳали ўзбек футболининг жамоатчиликдан сир тутилаётган қирралари кўп экан.

Очиғини айтиш керак: бир футболчининг минг-минглаб доллар маош олганига ҳам, бирор-бир ҳаракати билан эътибор тортмайдиган Кримецнинг 4 миллиардлаб мукофот пулларининг фақат унинг ўзига текканига ҳам ишонмайман. Шунинг учун ҳам бюджет пулларини талон-тарож қилиш истагидаги одамлар билан тўлиб-тошган ўзбек футболининг келажаги хусусий жамоаларда деб ўйлайман. Сир эмаски, футбол ва унга алоқадор соҳаларда ишлаб топилган ҳалол пул ҳалол нарсаларга сарф ҳам этилади. Шу маънода ҳам айнан «Қўқон–1912», «Турон» каби жамоалар ўзбек футболининг келажаги десак хато бўлмайди.

Бундан яқин келажакда эса нафақат «Локомотив» балки барча жамоалар нафақат «Қўқон–1912» балки «Турон» футболчиларидан ҳам қақшатқич мағлубиятга учрайдилар, деган хулоса келиб чиқади...

---

Огоҳлик

## Тўпракнинг ўлими кўзимизни очди

Туркиялик профессор Меҳмет Жейҳан коронавирусдан сўнг болаларда учраётган ва ўлим хавфи катта бўлган MIS-C (мультисистемли яллиғланиш синдроми) касаллигидан огоҳлантирибди.

Меҳмет Жейҳаннинг айтишича, у ўзи ишлаётган Ҳажетепа университетининг Тиб факультети шифохонасида пандемиядан буён 80 нафарга яқин болада ушбу касаллик аломатларига дуч келган. Коронавирусга чалинган болаларнинг аксариятида MIS-C синдроми аниқланган. Олим айрим мутахассисларнинг коронавирус ёш болаларга жиддий таъсир қилмаслиги ҳақидаги хулосалари тўғри эмаслигини ҳам таъкидлайди.

– Ковид-19 болаларда енгил ўтса-да, бошқа хавфли касалликларни келтириб чиқармоқда, – дейди Меҳмет Жейҳан. – Мультисистемли яллиғланиш синдроми (MIS-C) туфайли 8 ёшли Тўпрак Киличнинг ўлими бунга жиддий эътибор қаратишимизни тақозо этди. Текшириб кўрилганда, вирусга чалинган боланинг иммун тизими ҳужайраларига кучли зарар етган. Касаллик кучли иситма, диарея ва қайт қилиш ҳолатлари билан намоён бўлмоқда.



*8 ёшли Тўпрак Килич*

Меҳмет Жейҳаннинг таъкидлашича, MIS-синдроми март ва май ойларида авж олган.

– Биз вирус кучайгани сари MIS-синдроми ҳам авж олганига гувоҳ бўлдик. MIS-C касаллиги ёш болаларнинг асосан юраги ва ўпкасига зарар етказади. Чунки бола вирусга чалинганида, танада кислород етишмовчилиги юз бериб, бу ўпка ва юракка зарба беради.

---

БМТ маълумоти:

Мутахассисларнинг маълум қилишларича, бола ҳаётидаги биринчи 1000 кунлик давридаги таъминот, хусусан овқатланиш даражаси инсон ҳаётига жуда жиддий таъсир этар экан. Таъкидланишича, 165 миллион фуқаронинг бўйи ҳаётининг илк йилларида яхши овқатланмагани сабабли ўсмай қолган. Бунда гап боланинг фақат бўйи ёки вазни ҳақида кетмаяпти. Тадқиқотлар гўдаклигида яхши овқатланмаган болаларнинг доимий равишда камбағаллик, касаллик ва очлик домида қолиб кетишларини ҳам кўрсатмоқда.

Кузатувчиларнинг қайд этишларича, гўдакликнинг илк ойларида ўсишдан қолиб кетиш мия ривожига ҳам салбий таъсир қилади. Миянинг яхши ривожланмаслиги эса когнитив функцияларнинг бузилишига олиб келади. Бу эса даволаб бўлмас муаммодир. Ўсишдан ортда қолиш нафақат боланинг ривожланишига ёки ўрганиш қобилиятига, балки унинг келажакдаги ҳаётига ҳам таъсир қилади. Бундай болалари кўп бўлган мамлакатлар эса ўз-ўзидан тараққиётдан ҳам ортда қоладилар. Айрим тадқиқотчилар мактабда ёмон ўқиганларнинг келажакда ўртача даромадининг 22 фоизгача фарқ қилишини ҳам кўрсатаётир.

@allaevuzb

---

Бир чимдим кулги

Бир зиқнага:
– Нима бўлди, касалмисан?
– Йўқ.
– Унда нимага дори ичаяпсан?
– Муддати тугаяпти-да.

***

Домладан сўрашибди:
– Домла, отнинг тақасини дарвозамизга қоқиб қўйсак, бахт келтирадими бизга?

Домла жавоб берибди:
– Отларда бу тақалардан тўрт донадан бўлади, лекин кун бўйи қамчи ейишади.

***

– Бир дақиқа кулги беш дақиқа умрни узайтирар экан, шу тўғрими?
– Бу кимнинг устидан кулишингга боғлиқ...

---



## «Заҳар»ни камроқ ичинг

Илмий тадқиқотлар бир стакан Coca-Cola таркибида 8-10 чой қошиқ шакар борлигини, бу инсоннинг шакарга бўлган кунлик талабининг 80-100 бараварига тенглигини кўрсатяпти.
Маълум бўлишича, бир стакан Coca-Cola истеъмол қилинганида, 20 дақиқада қондаги қанд миқдори ортиб, инсон организмида ортиқча инсулин моддаси пайдо бўларкан.
Бу эса инсонда тез очиқиш ҳиссини уйғотади. Организмдаги ортиқча шакар миқдори эса жигарда ёғга айланиб, қон босимини кўтаради ва организмда уйқусизликни келтириб чиқаради. Ва бу бошқа касалликларни ҳам чақириш эҳтимолини ошираркан.
Кўпчилик Fanta, Coca-Cola ичимликлари овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради, деб ўйлайди.
Тўғри, бу ичимликлардаги баъзи моддалар овқат ҳазм қилиш жараёнини кучайтиради. Бироқ бир соатдан кейин метаболизмни ҳам тезлаштиради. Кейинги соатларда суяклардан рух, магний, кальций, натрий, сув ва электролитлар ажралиб чиқиб, организмга катта зарар етказади. Хусусан, бу ичимликлар оч қоринга ичилса, гастрит, ошқозон яраси касаллигини келтириб чиқаради. Қайд этилишича, Coca-Cola ва Fanta ўткир ва surunkali ичак касалликлари, ҳатто, саратон касаллигига ҳам олиб келиши мумкин экан.

## «Қочоқ»лар кечирилмаяпти



Филиппинда мамлакатга яширин йўллар орқали олиб кирилган 21 та автомобиль йўқ қилинган. Хабар қилинишича, машиналарнинг умумий қиймати 1,2 миллион долларга тенг бўлган.
Таъкидланишича, автомобиллар контрабандасига қарши кураша бошлаган Филиппин ушбу муаммога ўзига хос йўл топган. Яъни, Филиппин божхона бюроси томонидан 2018-2020 йиллар оралиғида мамлакатга ноқонуний олиб кирилган барча автомобиллар йўқ қилинган. Улар орасида Porsche 911, Mercedes-Benz SLK, Nissan Z, Ford Mustang, BMW M5 ва Lamborghini Gallardo сингари қимматбаҳо транспорт воситалари ҳам бўлган.

**СОҲИБА тайёрлади.**

---

Ҳордиқ




ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
**Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,**
**Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.**

**Бош муҳаррир:**
**Миродил АБДУРАҲМОНОВ**

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

**Навбатчи муҳаррир:**
Равшан МАҲМУДОВ
**Навбатчи:**
Вилоятхон ШОДИЕВА
**Дизайн гуруҳи:**
Маъмуржон ҚУДРАТОВ, Умид АРСЛОНБЕКОВ, Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ, Соҳиба СОЛИЕВА

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

**Адади** – 2 662.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Қоғоз бичими:** 350х587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ
Буюртма – 616
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 5:00

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

**Электрон почта:**
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

**ISSN 2010-7714**

123456